

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЕЗКОР БЎЛИНМАЛАРИ ТОМОНИДАН  
БОСКИГЧИЛИК ВА ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИККА ҚАРШИ ҚАРАТИЛГАН  
ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ТАКТИКАСИ**

**Ш.Ж.Отахонов**

*Ички ишлар Вазирлиги Академияси 3 ўқув курси 303 гуруҳ курсанти*

**Аннотация:** *Мазкур мақолани ёзишдан мақсад боскинчилик ва жинсий эркинликка қарши қаратилган жиноятларга қарши курашиш уларнинг олдини олиш фаолияти билан халқимизни таништириш, жамиятимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда жинсий жиноятларнинг тушунчаси ва бугунги кундаги ҳолати, ҳуқуқий асослари баён этилган.*

*Ушбу мақолани ёзишда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар маҳкамаси қарор фармойишлари, Олий мажлис томонидан қабул қилинган ҳукумат қонун ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, фармойиш, қарорларидан фойдаланилган.*

**КИРИШ**

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ўз хизмат вазифалароини виждонан ситқидилдан бажариши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қўйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини берди<sup>1</sup>.

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдига ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш; жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик

содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш

ва ижтимоий мослаштириш, жисмоний

шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаларини бапжариш орқали жинсий эркинликка қарши қаратилган жиноятларни олдини олишга эришилади. Ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан (қонун билан махсус ваколат берилган) соҳавий хизматлар қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказиладиган тезкор қидирув тадбирлари орқали жинсий эркинликка қарши қаратилган жиноятларнинг олди олинади.

Асосий қисм

Ички ишлар органлари тезкор бўлинмалар томонидан босқинчилик ва жинсий эркинликка қарши қаратилган жиноятлар олди олиниши билан бир вақтнинг ўзида уни фош этиш ҳамда жазо муқаррарлиги таъминланади. Жинсий эркинликка қарши қаратилган жиноятлар Ўзбекистон республикаси жиноят кодекси махсус қисмида белгиланган. Улар қуйидагича таҳлил қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 118-моддаси тўрт қисмдан иборат.

Ушбу жиноятнинг объекти жабрланувчининг жинсий эркинлиги, яъни алоҳида олинган ҳар бир ҳолда айрим шахсларга ўзига нисбатан жинсий эҳтиёжнинг қондирилишига рухсат бериш ёки рухсат бермаслик эркинлиги ҳисобланади.

Суд-тергов амалиётини ўрганиш бу жиноятдан аксарият ҳолларда аёллар

жабр кўришини, аммо эркаклар жабрланувчи бўлган ҳолатлар маълумлигидан далолат беради.

Жиноятнинг объекти ҳар икки жинсдаги жабрланувчининг жинсий эркинлиги ҳисобланади.

Жабрланувчи аёл (эркак)нинг хоҳиш-иродасига қарши у билан жинсий алоқада бўлиш, жабрланувчи бокира қизми ёки «кўҳна» касб вакили (фоҳиша)ми бундан қатъи назар, зўрлаб номусга тегиш ҳисобланади, чунки қонун ахлоқ-одобидан қатъи назар барчанинг жинсий эркинлигини ҳимоя қилади. Эр-хотинлардан биронтаси, ҳатто улар расмий никоҳда бўлишса ҳам, номусга тегиш натижасида жабрланувчи бўлиши мумкин, зеро никоҳ эр-хотинни жинсий эркинликдан маҳрум қилмайди.

Жиноятнинг объектив томони зўрлик ишлатиб, кўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилишда ифодаланади.

Номусга тегиш тарзидаги жинсий алоқа қилиш деганда, фақат табиий жинсий алоқани, яъни жинси қарама-қарши бўлган эркак жинсий аъзосининг аёл жинсий аъзосига киритиш йўли билан қовушишни тушуниш лозим.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд ва тамагирлик нияти билан содир этилади. Жиноятнинг содир этилиш мотиви ва кўзланган мақсад квалификация учун аҳамиятга эга эмас. Жиноятнинг мотиви аксарият ҳолларда шаҳвоний ҳирс ҳисобланади.

Жиноятнинг субъекти жиноят содир этилган вақтга келиб 14 ёшга тўлган ҳар икки жинсдаги шахс бўлиши мумкин.

Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондирганлик учун жавобгарлик

Жиноятнинг объекти жабрланувчи шахснинг жинсий эркинлиги ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят зўрлик ишлатиб, кўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришда ифодаланади.

Мазкур моддада назарда тутилган жиноят:

1) эркак кишининг жинсий эҳтиёжини аёл билан ғайритабиий усулда зўрлик ишлатиб қондиришида;

2) аёлнинг жинсий эҳтиёжини аёл билан зўрлик ишлатиб қондиришида;

3) эркак кишининг жинсий эҳтиёжини эркак билан зўрлик ишлатиб қондиришида;

4) жинсий эҳтиёжини қондиришга қаратилган бошқа шаҳвоний ҳаракатларни содир этишда (масалан, жабрланувчини жинсий аъзо билан муомала қилишга мажбурлашда ва ҳ.к.) ифодаланиши мумкин.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Жиноятнинг мотиви – шаҳвоний алоқа, мақсади эса – жинсий эҳтиёжни қондириш

ҳисобланади.

Жиноятнинг субъекти ўн тўрт ёшга тўлган, ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

Мазкур жиноятнинг номусга тегишдан фарқи шундаки, номусга тегишда жинсий алоқа зўрлик ишлатиб табиий усулда содир этилади, бу жиноятларнинг бошқа барча аломатлари эса бир хилдир.

Бесоқолбозлик (эркакнинг эркак билан жинсий алоқа қилиши) учун жавобгарлик.

Бесоқолбозлик эркакнинг эркак билан жинсий эҳтиёжини қондиришга қаратилган ҳар икки томоннинг ихтиёрий ҳаракатларидир.

Башарти бесоқолбозликда зўрлик ишлатиш, қўрқитиш ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиш аломатлари мавжуд бўлса, айбдорнинг қилмиши ЖК 119-моддаси билан квалификация қилинади.

Таҳлил этилаётган жиноятнинг объекти жинсий алоқаларнинг жамиятда қарор топган тартиби ҳисобланади.

Бесоқолбозлик объектив томондан эркакнинг эркак билан жинсий эҳтиёжини ихтиёрий равишда қондиришида ифодаланади. Жиноят жинсий алоқа бошланган дақиқадан эътиборан тугалланган, деб ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади.

Бесоқолбозликнинг субъекти ўн олти ёшга тўлган, ғайритабиий жинсий алоқа (гомосексуализм)нинг фаол ва пасив иштирокчиси бўлган шахс ҳисобланади.

Аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш учун жавобгарлик

Ушбу жиноятнинг объекти аёлнинг жинсий эркинлиги ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатдан айбдорга қарам бўлган аёлни жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга мажбур этишда ифодаланади.

Мажбур этиш деганда, аёлнинг хоҳиш-иродасига қарши у билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш мақсадида унинг руҳиятига тазйиқ ўтказишни тушуниш зарур. Мажбур этиш (масалан: ишдан бўшатиш, кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказиш, мукофотдан маҳрум қилиш, лавозимини пасайтириш билан қўрқитиш, тирикчилиги учун зарур воситалардан маҳрум қилиш ва ҳ.к.) аёлни мажбурловчининг ўзи билан, ёки ҳар қандай бошқа шахс билан жинсий алоқа қилишига ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга қаратилган бўлиши мумкин. Мажбур этиш – аёлни ночор аҳволга солишга қаратилган ҳаракатлардир.

Субъектив томондан мазкур жиноят фақат тўғри қасд билан содир этилади.

Ушбу жиноятнинг субъекти аёл киши хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатлардан қарам бўлган шахс ҳисобланади.

Ўз манфаатини кўзлаб, жабрланувчининг хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатлардан қарамлигидан фойдаланиб, уни эркак киши билан жинсий алоқа

қилишга мажбурлаган аёл ҳам жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин.

Хулоса

Эндиликда ўн саккиз ёшга тўлмаган жабрланувчининг номусига текканлик ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондирганлик; ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсни жинсий алоқада бўлиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда жинсий алоқа қилишга мажбур этганлик; шахсинг ўн олти ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда у билан жинсий алоқа қилганлик ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондирганлик ёки унга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилганлик; вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирганлик, худди шунингдек уни тайёрлаганлик, тарқатганлик, реклама қилганлик, намойиш этганлик ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижроси сифатида жалб этганлик; вояга етмаган шахсни жалб этган ҳолда кўшмачилик қилганлик, фоҳишахоналарни ташкил этганлик ёки сақлаганлик учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан ҳам жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилмайди. Ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуришнинг зарурий шarti — бу қонунларнинг сўзсиз бажарилишидир. Қонунларнинг бир хилда ва сўзсиз бажарилиши бўлажак ҳуқуқшуносларимизнинг ўз вазифасига муносабати ва зиммасидаги масъулиятни ҳис қилишига боғлиқдир, Айниқса, жиноятчиликка қарши кураш олиб борувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бўлажак ходимлари, ҳуқуқшуносларга жиноят таркибий элементлари, жиноятлар таснифи, жавобгарлик асослари, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар, жазо тушунчаси, турлари, жазо тайинлаш, жавобгарлик ва жазодан озод қилиш, судланганлик, вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари каби мавзулар талабаларга тушунарли, содда ва равон тилда баён қилиб берилган.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги “Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли қарори.
3. Зокирова О.Ғ. Жинсий тарбия. //Ж. Қонун ҳимоясида.-2003.-№ 6 (90). – Б. 33-35.
4. Ниёзова С.С. Аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур қилиш жинояти учун жавобгарлик. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-жиноятпроцессуал

қонунининг ҳуқуқий асоси сифатида. Илмий-амалий конференция материаллари. Т.: ТДЮИ. 2009, -Б.258-263.

5. Пайзуллаев К.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги, тарбия ва ахлоқига қарши қаратилган жиноятларни квалификация қилишнинг айрим масалалари. //Ж. Давлат ва ҳуқуқ .-2003.- 4-сон. -Б.18-20. 6. Пайзуллаев Қ.П. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар. – Т.: ТДЮИ, 2008. – 144 б. 7. Рустамбоев М.Х. Ответственность за сексуальное насилие

6. Ўзбекистон республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги” ЎРҚ-371 сон қонуни

7. Ўзбекистон республикаси жиноят кодекси махсус қисмига шарх  
(М.Х.РУСТАМБАЕВ)